



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 уил « 19 » апрель

№ПК-124

Осиё тараққиёт банки иштирокида “Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПК-72-сон қарорига мувофиқ шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури доирасида аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини янада яхшилаш, шунингдек, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури” лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ОТБ) билан 59,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз битимини имзолаш бўйича дастлабки келишувга эришилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида олинadиган товарлар божхона божидан озод қилинганлиги;

Лойиҳани амалга ошириш муддати 5 йил (2023–2027 йиллар) этиб белгиланганлиги;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Лойиҳанинг ўз вақтида амалга оширилиши, ОТБ қарзларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун масъул бўлган ижро этувчи орган сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури” лойиҳасини техник-иқтисодий асослашнинг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури” лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банки қарзини сўндириш ва фоизларни тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури” лойиҳаси доирасида Осиё тараққиёт банки қарзини 2028 йилдан бошлаб қоплаш юзасидан улушлар тақсимотининг прогноз жадвали 2а-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури” лойиҳаси 2-компоненти доирасида Осиё тараққиёт банки қарзи бўйича хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш юзасидан улушлар тақсимотининг прогнози 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига, зарур ҳолларда, лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичларига, техник-иқтисодий асослашнинг асосий техник-иқтисодий параметрларига ОТБ билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузурида юридик шахс сифатида Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ташкил этилсин.

Бунда, Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ходимларига ОТБ кредити ҳисобидан таъминланадиган ойлик маоши ягона ижтимоий тўловни инобатга олган ҳолда тўланади.

4. Белгилансинки, Лойиҳани амалга ошириш доирасида ҳосил бўладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ҳисобидан тўланади, тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси хўжалик юритувчи субъектларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси номидан Лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасида қарз ва грант битимларини имзолаш ҳамда зарур ҳолларда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Сирдарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари, “Ўзсувтаъминот” АЖ ва Табиат ресурслари вазирлиги билан биргаликда тегишлилиги бўйича ОТБ қарзини қайта кредитлаш тўғрисидаги битимларни имзолаш ҳамда зарур ҳолларда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

6. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасидаги қарз битими, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича битимларга белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги, Сирдарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖ зиммасига қайта кредитлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ ОТБ қарзини сўндириш ва улар бўйича фоизларни тўлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили инвестиция дастурлари параметрларини шакллантиришда Лойиҳанинг белгиланган тартибда тегишли давр учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги, Сирдарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ва “Ўзсувтаъминот” АЖ:

қайта кредитлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ ОТБ қарзини қайтариш ва фоизларни тўлаш учун зарур бўлган маблағлар ўз вақтида жамланиб борилишини таъминлаш учун жавобгар ҳисоблансин;

2028 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда бюджет параметрларида ОТБ қарзи бўйича фоизларни ва асосий қарзни қайтариш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 19 апрелдаги ПҚ–124-сон қарорига
1-илова

**“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури”
лойиҳасини техник-иқтисодий асослашнинг асосий техник-иқтисодий
параметрлари**

Т/р	Компонент харажатлари категорияси	Ўлчов бирлиги	Ҳаммаси*	Молиялаштириш манбаи, шу жумладан:		
				ОТБ қарзи	ОТБ гранти	Ўзбекистон Республикаси улуши
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ долл. экв.	68 152,24	59 000,00	500,00	8 652,24
2.	Капитал қўйилмалар қиймати, жами	минг АҚШ долл. экв.	56 373,34	55 873,34	500,00	
2.1.	Шаҳар инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳаларини яхшилаш	минг АҚШ долл. экв.	24 523,67	24 023,67	500,00	
2.2.	Сув таъминоти ва оқова сув тизимларини реконструкция қилиш	минг АҚШ долл. экв.	19 234,33	19 234,33		
2.3.	Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш	минг АҚШ долл. экв.	6 547,59	6 547,59		
2.4.	Институционал салоҳиятни ошириш ва ривожлантириш	минг АҚШ долл. экв.	6 067,75	6 067,75		
3.	Молиявий харажатлар, бошқа тўловлар	минг АҚШ долл. экв.	3 126,66	3 126,66		
4.	Солиқ ва божхона имтиёзлари	минг АҚШ долл. экв.	8 652,24			8 652,24

* Лойиҳанинг якуний қиймат кўрсаткичлари батафсил лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан кейин ҳамда товарлар (ишлар ва хизматлар)ни етказиб бериш бўйича тендер савдолари натижаларига кўра аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 19 апрелдаги ПҚ–124-сон қарорига
2-илова

**“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури”
лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банки қарзини сўндириш ва фоизларни тўлашнинг
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

ОТБ қарз миқдори - 59,0 млн АҚШ долл.
Қарз муддати - 25 йил
Имтиёзли давр - 5 йил
Фоиз ставкаси - 2 фоиз

минг АҚШ долл.

Йиллар	Тўланадиган фоизлар	Асосий қарз қайтарилиши	Жами қайтариладиган маблағ
2028 йил 15 апрель	575,0	1 475,0	2 050,0
2028 йил 15 октябрь	561,0	1 475,0	2 036,0
2029 йил 15 апрель	546,0	1 475,0	2 021,0
2029 йил 15 октябрь	531,0	1 475,0	2 006,0
2030 йил 15 апрель	516,0	1 475,0	1 991,0
2030 йил 15 октябрь	502,0	1 475,0	1 977,0
2031 йил 15 апрель	487,0	1 475,0	1 962,0
2031 йил 15 октябрь	472,0	1 475,0	1 947,0
2032 йил 15 апрель	457,0	1 475,0	1 932,0
2032 йил 15 октябрь	443,0	1 475,0	1 918,0
2033 йил 15 апрель	428,0	1 475,0	1 903,0
2033 йил 15 октябрь	413,0	1 475,0	1 888,0
2034 йил 15 апрель	398,0	1 475,0	1 873,0
2034 йил 15 октябрь	384,0	1 475,0	1 859,0
2035 йил 15 апрель	369,0	1 475,0	1 844,0
2035 йил 15 октябрь	354,0	1 475,0	1 829,0
2036 йил 15 апрель	339,0	1 475,0	1 814,0
2036 йил 15 октябрь	325,0	1 475,0	1 800,0
2037 йил 15 апрель	310,0	1 475,0	1 785,0
2037 йил 15 октябрь	295,0	1 475,0	1 770,0
2038 йил 15 апрель	280,0	1 475,0	1 755,0
2038 йил 15 октябрь	266,0	1 475,0	1 741,0
2039 йил 15 апрель	251,0	1 475,0	1 726,0
2039 йил 15 октябрь	236,0	1 475,0	1 711,0
2040 йил 15 апрель	221,0	1 475,0	1 696,0
2040 йил 15 октябрь	207,0	1 475,0	1 682,0
2041 йил 15 апрель	192,0	1 475,0	1 667,0
2041 йил 15 октябрь	177,0	1 475,0	1 652,0
2042 йил 15 апрель	162,0	1 475,0	1 637,0
2042 йил 15 октябрь	148,0	1 475,0	1 623,0
2043 йил 15 апрель	133,0	1 475,0	1 608,0

Йиллар	Тўланадиган фоизлар	Асосий қарз қайтарилиши	Жами қайтариладиган маблағ
2043 йил 15 октябрь	118,0	1 475,0	1 593,0
2044 йил 15 апрель	103,0	1 475,0	1 578,0
2044 йил 15 октябрь	89,0	1 475,0	1 564,0
2045 йил 15 апрель	74,0	1 475,0	1 549,0
2045 йил 15 октябрь	59,0	1 475,0	1 534,0
2046 йил 15 апрель	44,0	1 475,0	1 519,0
2046 йил 15 октябрь	30,0	1 475,0	1 505,0
2047 йил 15 апрель	15,0	1 475,0	1 490,0
2047 йил 15 октябрь		1 475,0	1 475,0
Жами:	11 505,0	59 000,0	70 505,0

Изоҳ. Инвестиция давридаги қарз бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ молиявий харажатлар ОТБ ҳисобидан қопланади ва асосий қарзга капитализация қилинади.

**“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури” лойиҳаси доирасида
Осиё тараққиёт банки қарзини 2028 йилдан бошлаб қоплаш юзасидан улушлар тақсимотининг
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

млн АҚШ долл.

Компонент ва субкомпонент номи	Лойиҳа ҳудуди	ОТБ қарзи	Қарзни қайтариш манбалари			
			Табиат ресурслари вазирлиги ва ҳудудий “Тоza ҳудуд” ДУКлари	“Жиззах сув таъминоти” МЧЖ	Вилоят бюджети*	Республика бюджети
1-компонент. “Шаҳар инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳаларини яхшилаш”						
1.1-субкомпонент “Жиззах шаҳридаги учта маҳаллани (“Иттифоқ”, “Дўстлик” ва “Ёшлик”) ободонлаштириш”	Жиззах шаҳри	12,09			12,09	
1.2-субкомпонент “Хивадаги Полвон канали бўйини ободонлаштириш”	Хива шаҳри	1,23			1,23	
1.3-субкомпонент “Хивада янги кўп функцияли сайёҳлик марказини қуриш”	Хива шаҳри	4,03			4,03	
1.4-субкомпонент “Ховос истироҳат боғини ва коворкинг марказини ташкил этиш”	Ховос тумани	6,67			6,67	
2-компонент. “Сув таъминоти ва оқава тизимларини реконструкция қилиш”						
2.1-субкомпонент “Жиззах шаҳрида сув таъминоти ва канализация тизимини реконструкция қилиш”	Жиззах шаҳри	18,63		6,48	12,15	
2.2-субкомпонент “Жиззах шаҳрида сув таъминоти тизимини бошқариш самарадорлигини қўллаб-қувватлаш”	Жиззах шаҳри	0,55		0,19	0,36	

Компонент ва субкомпонент номи	Лойиҳа ҳудуди	ОТБ қарзи	Қарзни қайтариш манбалари			
			Табиат ресурслари вазирлиги ва ҳудудий “Тоза ҳудуд” ДУКлари	“Жиззах сув таъминоти” МЧЖ	Вилоят бюджети*	Республика бюджети
2.3-субкомпонент “Гигиенани тарғиб қилиш ҳамда КОВИД-19 билан курашиш чоралари”	Жиззах шаҳри, Хива шаҳри Янгиер шаҳри, Ховос тумани	0,05			0,05	
3-компонент. “Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш”						
3.1-субкомпонент “Чиқиндиларни минималлаштириш ва қайта ишлаш бўйича синов дастури”	Жиззах шаҳри, Хива шаҳри, Янгиер шаҳри, Ховос тумани					
3.2-субкомпонент “Чиқиндиларни йиғиш ва ташишни модернизация қилиш”	Жиззах шаҳри, Хива шаҳри, Янгиер шаҳри, Ховос тумани	5,51	5,51			
3.3-субкомпонент “Ховос туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциясини қуриш”	Ховос тумани	1,04	1,04			
4-компонент. “Институционал салоҳиятни ошириш ва ривожлантириш”	Жиззах шаҳри, Хива шаҳри, Янгиер шаҳри, Ховос тумани	6,07			6,07	
Молиявий харажатлар		3,13				3,13
Жами		59,00	6,55	6,67	42,65	3,13

Изоҳ. Ҳар йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда юқорида келтирилган давлат ташкилотлари молиявий ҳолатидан келиб чиқиб ОТБнинг молиявий маблағларига хизмат кўрсатишда ушбу мақсадлар учун харажатларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг улушига тегишли ўзгартириш киритган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиб мазкур ташкилотларнинг улуши ўзгариши мумкин.

Бунда қарзнинг 67,3 фоизи – Жиззах, 18,3 фоизи – Сирдарё ва 14,4 фоизи – Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 19 апрелдаги ПҚ–124-сон қарорига
3-илова

**“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури”
лойиҳаси 2-компоненти доирасида Осиё тараққиёт банки қарзи бўйича хизмат
кўрсатиш харажатларини қоплаш юзасидан улушлар тақсимотининг
ПРОГНОЗИ**

Йиллар	“Жиззах сув таъминоти” МЧЖ	Жиззах вилояти маҳаллий бюджети
2028 йил	18,1%	81,9%
2029 йил	36,3%	63,7%
2030 йил	25,0%	75,0%
2031 йил	13,9%	86,1%
2032 йил	2,4%	97,6%
2033 йил	0,0%	100,0%
2034 йил	0,0%	100,0%
2035 йил	0,0%	100,0%
2036 йил	0,0%	100,0%
2037 йил	0,0%	100,0%
2038 йил	0,0%	100,0%
2039 йил	0,0%	100,0%
2040 йил	0,0%	100,0%
2041 йил	100,0%	0,0%
2042 йил	100,0%	0,0%
2043 йил	100,0%	0,0%
2044 йил	100,0%	0,0%
2045 йил	100,0%	0,0%
2046 йил	100,0%	0,0%
2047 йил	100,0%	0,0%
Жами	34,8%	65,2%

Изоҳ. Ҳар йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ молиявий ҳолатидан келиб чиқиб ОТБнинг молиявий маблағларига хизмат кўрсатишда ушбу мақсадлар учун харажатларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг улушига тегишли ўзгартириш киритган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиб мазкур корхонанинг улуши ўзгариши мумкин.

